



"МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ПАСТКИ ЖАҒ СИНИШЛАРИНИ ДАВОЛАШНИНГ УЗОҚ МУДДАТДАГИ НАТИЖАЛАРИНИ ЎРГАНИШ"

**Каримов Фахриддин Акбар ўғли,
Мамасолиев Ғиёсиддин Абдумавлонович,
Х.К. Дусмахемодова**

Илмий раҳбар т.ф.н. доктор
Тошкент Давлат Стоматология Институтининг Болалар юз-жағ
жаррохлиги Кафедраси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7808035>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-mart 2023 yil
Ma'qullandi: 01-april 2023 yil
Nashr qilindi: 07-april 2023 yil

KEY WORDS

Болалар, пастки жағ,
жаррохлик, бемор, суяк

ABSTRACT

Ушбу мақолада матабдача бўлган ёшдаги ёш болаларда пастки жағ синишларини даволашдан узоқ муддатдаги натижаларини ўрганиш ҳақида сўз юритилади.

Мавзунинг долзарблиги: Болаларда пастки жағнинг синиши сабаблари, сўнгги йилларда ота-оналарнинг эътиборсизлиги, йўл-транспорт ҳодисалари, спорт майдончалар, турли ғилдиракли учиш мосламалар (роликли коньки, электросамокат, скейтборд, лонгборд, круизер, гироскутер ва ҳ.к.лар)нинг кўпайиши ва бошқалар сабаб бўлмоқда. Болалар юз-жағ соҳаси тўқималарининг травматик шикастланишларини даволаш болалар стоматологиясининг мураккаб ҳамда долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади ва даволашнинг рационал усулларини талаб қилади. Учраш частотасига кўра, ушбу турдаги шикастланишлар яллиғланиш касалликларидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди ва стационар даволанишга муҳтож барча шошилиш беморларнинг 25% ини ташкил қилади. Муаллифларнинг таъкидлашича, юз скелети суяклари шикастланишларининг 90% ини жағларнинг синишлари ташкил этиб, уларнинг 95%и пастки жағнинг синишларига тўғри келади (Азимов М.И., 2013; Якубов Р.К., Файзиев Б.Р., 2012; Артюшкевич А.С., 2016; Брагина В.Г., Горбатова Л.Н., 2014; Иванова М.С., Александрова Е.Г., 2018).

Мақсад: Мактабгача ёшдаги болаларда пастки жағ синишларини даволаш натижаларини солиштирма ўрганиш ва жаррохлик усулларига кўрсатмалар ишлаб чиқиш.


Материал ва методлар: Ушбу тадқиқотда Тошкент Давлат Стоматология Институтининг Болалар юз-жағ жаррохлиги бўлимида охириги 5 йил ичида 2017-2021

йиллар давомида пастки жағ синиши билан 800 га яқин бемор даволанган. шундан 7 ёшгача булган беморлар жами 40 (5%) нафарни ташкил қилади. Шулардан 29 нафари уғил бола(72,5%), 11 таси киз бола(27,5%). 40 нафар боланинг 8 таси 1-3 ёш, Қолган 32 таси 4-8 ёш оралиғида. Барча беморлар клиник ва рентгенологик текширилди (касаллик тарихлари кўриб чиқилди, анамнез йиғилди, ўрганилди). Пастки жағнинг уч томонлама, тўғридан-тўғри проекцияда рентгенографияси ва жағларнинг ортопантомографияси, юз скелети суякларининг компьютер томографияси (КТ) ўрганилди, шунингдек, тегишли мутахассислар ортодонт стоматологи, болалар терапевтик стоматологи билан консултациялар ўтказилади.

Натижалар ва муҳокамалар: Болаларда синиш локализацияси буйича 9 нафарида бир ёки икки томонлама тана сохасидан синиш (22,5%), шундан 8тасида тиш қаторида (20%): бассейндан 1 нафар, коляскадан 2 нафар, турникдан 2 нафар, аравадан 1 нафар, дарахтдан 2 нафар ва 1тасида бурчак сохасидан (2,5%) синиш: нарвондан йиқилиш оқибатида кузатилган. 31 нафар болада бир ёки икки томонлама бўғим сохасидан (77,5%) синиши, шундан 10 нафар болада бўғим бошчасидан (25%) синиш; йиқилиш оқибатида - нарвондан 2 нафар, велосипеддан 4 нафар; иситгичдан 1 нафар, бетон девордан қоқилиб 1 нафар. Шамол натижасида батут ағдарилиб устига тушиши оқибатида 1 нафар, ЙТХ оқибатида 1 нафар болада кузатилган. 21 нафар болада бўғим ўсиғи сохасидан (52,5%) синиш; автосервис чуқурига тушиб кетиши оқибатида 1 нафар болада, йиқилиш оқибатида -велосипеддан 4 нафар болада, турникдан 3 нафар бола, зинадан 4 нафар бола, томдан 3 нафар, кроватдан 2 нафар бола, узум сўридан 1 нафар бола ; ЙТХ автомобил уриши натижасида 2 нафар болада, қоқилиш оқибатида 1нафар болада кузатилган.


Даволаш усуллари жаррохлик (37,5%), консерватив (62,5%) даволаш остида олиб борилган. 15 нафарида остеосинтез оператсия усули утказилган. Бундан 9 та болада тантал сим ва тигерштейд шинаси ёрдамида (22,5%), 1та болада мини пластинка ёрдамида (2,5%) ва 2 нафарида парчаланган бўғим бошчаси булакларни олиб ташлаш (5%) оператсияси утказилган. Қолган 25 нафар болада тигерштейд шинаси ёрдамида иммобилизация қилинган. Барча беморларда медиаканалоз (Цефтриаксон м/о, Аналгин+Димедрол в/и, Глюкоза в/и,) даво олиб борилган.

Даволаш олиб борилган беморларни кузатганимизда: М.М исмли бемор 2012 йилда туғилган. 2019 йилда ТДСИ болалар юз-жағ жаррохлиги бўлимига келиб тушган, бўлимда пастки жағнинг икки томонлама бўғим ўсиғидан синиб силжиши ташхиси қўйилиб, «остеосинтез ва тигерштейд шинаси ёрдамида иммобилизацияси» операцияси учун ётқизилган. Остеосинтез тантал сим ёрдамида қилинган. Узоқ муддатдан кейинги 2022 йилги натижалар (1расмда). Ортопантомография рентген тасвирида чап томон бўғим бошчаси ва бўғим чуқурчаси номутаносилигини. Беморнинг тишлов прикуси ўзгарган холатини аниқладик. Остеосинтез қилинмаган ўнг томон ўсишдан ортда қолган, микрогнатия кузатилади ва марказий чизиқ тиш қатори ўнг томонга сурилган холатни кўриш мумкин.



1. Расм бемор М.М. ортопантомография рентгени ва тишлов холати

Ў.М. исмли бемор 2015 йилда туғилган. 2020 йилда ТДСИ болалар юз-жағ жаррохлиги бўлимига келиб тушган, бўлимда пастки жағнинг тана соҳасидан чап томон 75 ва 36, ўнг томон 84 ва 43 тишлар соҳасидан синиб силжиши ташхиси қўйилиб, «остеосинтез ва тигерштейд шинаси ёрдамида иммобилизацияси» операцияси учун ётқизилган. Остеосинтез тантал сим ёрдамида қилинган. Узоқ муддатдан кейинги 2022 йилги натижалар (2 расмда). Рентген тасвирда суяк чизиқлари яхши битганлиги ва 36 тиш илдиз соҳаси сўрилиб кетганлигини кўриш мумкин. Беморнинг тишлов прикуси марказий чизиқ номутаносиблиги, 0,1-0,2 мм ўнг томонга силжиган холатини аниқладик.



2. Расм бемор М.М. ортопантомография рентгени ва тишлов холати

Бемор Н.Б. 2016 йилда туғилган. 2020 йилда ТДСИ болалар юз-жағ жаррохлиги бўлимига келиб тушган, бўлимда БМЁЖ. БМЧ. пастки жағниўнг томон 81 ва 82 тишлар орасидан синиб силжиши, дахан ости соҳаси эзилиб йиртилган жарохати, бирламчи жаррохлик ишловидан кейинги холат ташхиси қўйилиб, «остеосинтез ва тигерштейд шинаси ёрдамида иммобилизацияси» операцияси учун ётқизилган. Остеосинтез мини пластинка ёрдамида қилинган, ва бир йилдан кейин синиқ чизиқлари битгандан сўнг мини пластинка олиб ташланган. Узоқ муддатдан кейинги 2023 йилги натижалар (3 расмда). Рентген тасвирида синиқ чизиқлари яхши битганини аниқладик. Пастки жағ чап томонда микрогнатия, марказий чизиқ чап томонга 0,1-0,2 мм га силжиган холати кузатилди.

Мини пластинка қўйилган

операциядан
кейинги ҳолат

3 йилдан кейинги ҳолат



2023 й. Ортопантомография тасвири.

Расм бемор М.М. ортопантомография рентгени ва тишлов ҳолати операциядан 3 йил ўтгандан кейинги.

Хулоса: Беморларда операциядан кейин жағ суяклариди бир томонда микрогения бўлаётгани аниқланди. Беморлар тавсия этилган тавсияларга амал қилмаган, тавсия этилган ортодонтик давони (ортодонтик мосламани тақмаган) олмаган. Ўзи яшаб турган ҳудудда дицпансер назоратида туриши керак, беморлар жағ ўсишида ўзгариш сезилган ҳолатда юз-жағ хирургига кўрик учун юборилиши лозим эди. Аммо ота оналарнинг бепарволиги сабабли беморлар назоратда бўлмаган. Пастки жағ синган беморларда синган соха томонда остеолиз учрамади, остесинтез бўлган жойда ўсиш жараёни пастлигича қолган.

References:

1. Ретроспективный анализ больных с переломами верхней челюсти и методы оценки результатов лечения Дюсупов К.Б, Кенбаев В.О.,
2. Переломы нижней челюсти у детей Иванова М.С. 1 , Александрова Е.Г.,
3. Сравнительная оценка методов иммобилизации челюстей при переломах нижней челюсти у детей. Мусаев Ш.Ш, Шомурадов Қ.Э.